Ушбу сонда:

2 ҒОЛИБ «ТИКО» ОЛДИ

3 АДОЛАТ ЮЗИГА ПАРДА ТОРТМАНГ

4 ЯХШИДАН ЁМОНЛИК ЧИҚМАС

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 7 август, сешанба № 121 (1135)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«УМИД» ЮЛДУЗЛАРИ - КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Аввало, Сизни, бутун халқимизни фарзандларингиз номидан яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллигимизнинг ўн йиллик шодиёнаси билан табриклаймиз.

Чексиз ғамхўрлик, оталарча самимият ва меҳр туйғулари билан йўғрилган табрик хатингиз учун биз - «Умид» жамғармасининг бу йилги совриндорлари Сизга ўзимизнинг бениҳоя миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Мактубингиздаги эзгу тилакларингиз, ҳар бир панду насиҳат ва маслаҳатингизни юрагимизга жо айлаб, билдирган юксак ишончингизни оқлаш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Истиқлол биз, ёшларга улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Бевосита Сизнинг раҳнамолигингизда юзлаб тенгдошларимиз жаҳоннинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида таҳсил олиш шарафига муяссар бўлди. Бугун бундай улкан бахт бизга ҳам насиб этиб турибди. Бу - юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган ўтли даъватингизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бугун Ватандан олисга йўл олар экамиз, биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, буюк тарихга ва бетакрор маданиятга эга бўлган юрт фарзандлари, дунёда ўчмас ном қолдирган улуғ алломаларнинг ворислари эканимизни доимо ёдда сақлаймиз. Мустақил Ўзбекистонимиз, бунёдкор халқимиз бизга умид кўзларини тикиб турганини, энг муҳими, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни ҳеч вақт унутмаймиз, дея Сизни ишонтирамиз. Дунёнинг қайси мамлакатида бўлмайлик, аждодларимизга хос ақлий ва маънавий салоҳиятимиз, истеъдодимиз, одобу ахлоқимиз билан бошқа тенгдошларимизга ўрнак бўлишга, замонавий илм-фан сирлари ва илғор технологияларни қунт билан эгаллашга ваъда берамиз.

Муҳтарам Президентимиз!

Биз чиндан ҳам бахтиёр ёшлармиз. Зеро, юрт раҳбарининг, ота-онасининг оқ фотиҳасини олиб, давлат кўмагида жаҳоннинг энг илғор хорижий мамлакатларида билим олиш ҳар қандай юрт ёшлари ҳам ҳавас қилса арзийдиган улуғ саодатдир. Мана шундай улкан имконият яратиб берганингиз учун Сизга яна бир бор ўзимизнинг самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Халқимиз, элимиз, ёшларимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг, деб фарзандлик меҳри билан

2001-2002 ўқув йили бўйича «Умид» жамғармаси грантлари совриндорлари.

«УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Сизларни халқимизнинг энг улуғ байрами - Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида қўлга киритган катта зафар - хориждаги энг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан муборак этаман.

Ўз ирода ва меҳнатингиз билан эришган бу ғалабангиз ҳам истиқлол берган беқиёс имкониятларнинг сиз, ёшларимиз ҳаётида намоён бўлишидан бир нишонадир.

Бугун сизларнинг зиммангизга бутун дунёга машҳур бўлган буюк ватандошларимизнинг муносиб вориси эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, дунёнинг ривожланган давлатларидаги университетларда таълим олар экансиз, ўз билимингиз, меҳнатсеварлигингиз ва ибратли аҳлоқингиз билан Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасини муносиб равишда кўрсата оласиз.

Бугун сизлар чет элларда таълим олиш учун жўнаб кетаётган экансизлар, бир нарсани зинҳор унутмаслигингизни сўрардим: қаерда бўлишингиздан қатъи назар, ота-онангизнинг, халқимизнинг диққат-эътибори ҳамиша сизларда бўлади, чунки сиз каби ёшларни биз ўзимизнинг умид юлдузларимиз, келажагимиз эгалари деб биламиз.

Ишонаманки, сизлар ҳам «Умид» йўлланмаси билан чет элларда ўқиб келган 350 дан зиёд ўғил-қизларимиз каби хорижий университетларни муваффақиятли тамомлаб, ота-оналарингиз қанотига кирасиз, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида фарзандлик садоқати билан меҳнат қиласиз.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, хайрли сафар олдидан оқ йўл тилар эканман, Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрашини, олижаноб интилишларингиз, дилингиздаги орзу ниятларингиз амалга ошишини тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Ўзбекистон Банклар уюшмасининг Тошкентдаги Банклараро молия хизматлари марказида мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан 2001-2002 ўқув йили учун эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.

Тадбирда «Умид» жамғармаси гранти совриндорлари, уларнинг ота-оналари, ҳукумат вакиллари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхоналари ходимлари, ҳомий ташкилотлар мутасаддилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Грантларни Бош вазир ўринбосари, «Умид» жамғармаси раиси Р.Азимов топширди.

Ватанимиз истиқлоли туфайли ёшлар тарбияси давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланди. Етишиб келаётган ёш авлод мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиши ва уни давом эттира оладиган салоҳиятига эга бўлиши керак. Бунинг учун ёшларга турли соҳаларда чуқур билим бериш жуда катта аҳамиятга эга. Бу борада «Умид»нинг ўрни ғоят муҳимдир.

«Умид» жамғармаси совриндорлари номидан сўзга чиққан ёшлар шундай улкан ишонч учун мамлакат раҳбариятига миннатдорлик билдириб, бу ишончни оқлаш учун куч-қувватини аямаслигини изҳор этди.

Иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Ҳозиргача ушбу жамғарма йўлланмаси билан 742 нафар йигит-қиз ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув даргоҳларига бакалавр ва магистрлик унвонларини эгаллаш учун ўқишга юборилди. Бугунга келиб жами 341 киши АҚШда, 260 киши Буюк Британияда, 74 киши Германияда, 31 киши Францияда, 20 киши Японияда ва 8 киши Канадада таҳсил олиш учун давлат грантини қўлга киритган.

Бу йилги танловда талабчан ҳайъат олти юздан кўпроқ даъвогар орасидан 44 нафарини танлаб олди. Ўзбекистон олий ўқув юртларини тугатган бу ёшлар энди ўқишини ривожланган мамлакатларнинг университетларида магистратура йўналиши бўйича давом эттиради.

Элмурод ЮНУСОВ,
ЎзА мухбири.

ТЕРМИЗ: ТЎЙГА ТАРАДДУД

Шу йилнинг 21 октябр куни қадим ва навқирон Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан шаҳарда ўнлаб йирик иншоотлар қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Айниқса, Маннон Уйғур номли театр, шаҳар «Бахт уйи», Археология музейи қурилишидаги жадал суръатни алоҳида таъкидламоқ керак.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам Термиз шаҳрининг юбилейига муносиб совға қилишни ният қилган. Унинг буюртмасига биноан Термиз туманидаги 255-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма шаҳарнинг Бобур номли боғида узунлиги 50 метр, эни 21 метр бўлган «Олимпик» сузиш ҳавзаси ҳамда маъмурий бино барпо этиш ишларини бошлаб юборган. Тахминан 360 миллион сўм харажат қилинадиган бу иншоотда, айни кунларда 140 миллион сўмлик иш бажарилди. Маъмурий бино қурилиши эса тугалланиш арафасида.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши масъул ходимлари бу ерда ҳар куни бўлиб, 82 нафар ишчи-бунёдкорга қулай иш шароити яратиб бераяпти. Икки сменада иш кетаётган майдонда уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган.

Ишловчилар махсус кийим-бош, иш қуроллари билан тўлиқ таъминланган. Ойлик маошлар белгиланган вақтда берилаётир. Бундай ғамхўрликка Нурмуҳаммад Ашуров, Нурали Жўраев, Ўрол Маматов, Қобил Холлиев, Баҳодир Ҳайдаров каби қурувчилар ҳар сменада икки баравардан иш бажариш билан жавоб бермоқдалар.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

БЕПУЛ ХИЗМАТ

Нукус шаҳрига йўлингиз тушиб, кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш корхонасига боргудек бўлсангиз, улар бажараётган ишлар сифатига тасаннолар айтмай иложингиз йўқ. Бу жойда 50 нафар киши меҳнат қилади. Шулардан 25 нафари кўзи ожиз ногиронлардир. Корхонада асосан кўрпа-тўшак, ёстиқ ва жилдлар тайёрланади.

— Ҳозирда 1 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот сотувга чиқаришга тайёрлаб қўйилган. «Қорақалпоқтитинув» республика акциядорлик компанияси бошқаруви бизга ҳомийлик қилмоқда. Яқинда улар 410 минг сўмлик ёрдам кўрсатишди, - дейди 1-гуруҳ ногирони, корхона директори Мақсад Гаумонов.

Айни кунларда уларнинг қувончлари чексиз. Меҳр-оқибатли инсонларга миннатдорчилик изҳор этишяпти. Негаки улар истиқомат қилаётган 1972 йилда қурилган бино Американинг «Кавтр-парк» норасмий ташкилоти томонидан таъмирлаб берилди. Сув ва газ қувурлари янгиланди.

Эзгу ишлардан яна бири — бу ерда янги сартарошхона ва этикдўзлик устахонаси очилиб, кўзи ожизларга бепул хизмат кўрсатиляпти. Яқинда уларнинг фарзандларидан 10 нафари Тошкент вилоятининг сўлим оромгоҳларида дам олиб қайтишди.

Ҳа, жамиятимизда инсон меҳнати ва унинг қадри қонунларимиз билан ҳам кафолатланган. Шундай экан, Ватан равнақи, унинг келажаги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётганлар ҳар доим меҳр оғушида бўлаверадилар.

Б.ЭРНАФАСОВ.

Долзарб мавзу: кун тартибида техника хавфсизлиги

ҚОНУНГА РИОЯ ЭТМАСЛИК ҚИММАТГА ТУШАДИ

Бозор муносабатлари тадбиркорлик билан ишга ёндошишни талаб этади. Тадбиркор аҳлига эса давлатимиз томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари ҳам масъулиятли вазифаларни амалга оширишлари зарур бўлади. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнат бўйича техник нозири Б.Б.Старченко жамоатчи мухбиримиз Улуғбек Пўлатовга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва даромадларининг асосий манбаини юзага келтиришда тадбиркорлик ҳаракати муҳим аҳамият касб этади. Соҳа ходимларининг иш жойларида техника хавфсизлигига риоя этиш, меҳнатини муҳофаза қилиш масалалари эса ундан-да қолишмайди.

Қўмитамиз жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 32 та корхона ва ташкилотни текширганда, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоида-меъёрларининг бузилишига оид 211 та ҳолат аниқланди. Талабга жавоб бермаган 7 та дастгоҳнинг иши тўхтатилди.

Тўрт йилдан буён ишлаб чиқаришда ўлим билан тугаган ҳолатлар юз бермади. Бироқ, бу ишнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирмайди. Масалан, касаллик варақалари текширилганда, ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар мавжудлиги маълум бўлиб қолди. Бу шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олганлар қонуний ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар. Шу сабабли уни ҳимоя қилишга ҳам интилмайдилар. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти қуришнинг асослари яратилган экан, демак, ҳаётимизда бундай салбий ҳолатларнинг учраб туриши кечирилмас ҳол сифатида баҳоланиши керак. Қолаверса, уларни ўқитиш, малакасини ошириш, тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш маъмурий раҳбарлар ва касаба уюшма бошланғич ташкилотларининг биринчи галдаги вазифалари бўлиши лозим эмасми?! Ахир, техника хавфсизлиги бўйича қонун-қоидаларни билмаслик охир-оқибатда инсон ҳаётини таҳлика остида қолдириши мумкин эканлиги наҳотки мутасаддиларни сергак тортишга ундамайди?!

Устига устак, содир этилган ҳодисани яшириш, иложи борича товон тўламаслик йўлларини қидириш ҳам ишловчилар манфаати ҳали мустаҳкам ҳимоя остига олинмаганидан далолат беради. Шу маънода жароҳатланишларнинг кўп ҳолларда жабрланувчининг меҳнат техник инспекциясига ёки прокуратура органларига мурожаат қилганидан сўнггина аниқланаётганлиги ҳам кишини ўйлантириб қўяди. Техник нозир, табиийки, тармоқдаги барча корхоналарга бориб текширувлар ўтказиш имконига эга эмас. Иш берувчиларнинг бир қисми эса бу ҳақда қонун мавжудлиги ва унга қатъий амал қилиш лозимлигини яхши билмайдилар.

Бироқ, бу уларни қонунга амал қилиш мажбуриятидан халос этмайди. Шунинг учун шаҳар тармоқ қўмитаси корхона ва фирмаларнинг мутасадди ходимлари иштирокида туманларда шу мавзулар бўйича семинарлар ўтказмоқда. Биринчи ярим йилликда Бектемир, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Сирғали туманларида ана шундай тадбирлар ўтказилиб, уларда корхоналарнинг 72 нафар вакиллари иштирок этдилар.

Ўтган йилнинг охирида Шайхонтоҳур тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг касаба уюшма курсларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 20 нафар киши ўқитилиб, гувоҳнома берилди. Афсуски, ҳозирча фақат мазкур тумандагина ушбу хайрли иш амалга оширилмоқда.

Шунингдек, корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича касблар юзасидан йўл-йўриқларни ишлаб чиқишда амалий ёрдам берилмоқда. Бундан, тадбиркорлар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

Сир эмас, кичик корхоналар аксарият ҳолларда талабга жавоб бермайдиган, мослаштирилган биноларда жойлашган. Шу боис, янги техника сотиб олишга маблағ етишмаслиги сабабли эскирган ёки ҳисобдан чиқарилган дастгоҳлардан фойдаланилмоқда. Бу ўз-ўзидан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига, бинобарин, салбий ҳолларнинг юз беришига олиб келмоқда.

Шубҳасиз, ишлаб чиқаришга янги, илғор технологияни олиб кириш сифатли, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишдаги муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш имконини беради. Бу долзарб масалага жиддий аҳамият бериш фурсати аллақачон етган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, биз ҳозирги кунда буни етарли даражада олиб бораяпмиз, деб айта олмаймиз. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган битимларда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва корхонанинг санитария-техник ҳолатини ҳужжатлаштириш масалалари ўз аксини топмаяпти. Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу муҳим тадбирда фаол қатнашиб, меҳнат аҳлининг манфаатини ҳимоя қилишда ўрнак кўрсатса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ТОЗАЛИК» ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

Сариосиёлик газетхон «Анҳор ёнида молхона...» («Ишонч», 2001 йил 19 июн) танқидий мақоласи юзасидан муносабатини билдириш билан бирга, ўзи яшаётган Шарғун шаҳридаги баъзи тартибсизликлар, жумладан, «Дўстлик», Охунбобоев, Собир Раҳимов маҳаллалари кўчалари ва «Лола» болалар боғчаси кираверишида ахлат, чиқинди уюмлари шаҳар ҳуснига доғ бўлиб, тушаётганини куюниб маълум қилганди.

Ушбу хабар Аннамурот Жумақулиев имзоси билан «Кўчалар ҳусниндаги доғ» сарлавҳаси остида шу йил 22 июнда газетамизда босилиб чиққандан кейин тегишли идорадан қуйидаги жавобни олдик:

— Мақолада келтирилган далиллар Шарғун шаҳар ҳокимлигининг фаоллар йиғилишида кўриб чиқилди ва тўғри деб топилди. Фаоллар йиғилиши қарори ҳамда кенг жамоатчилик ташаббуси билан ҳудудда «Тозалик» ҳафталиги ўтказилди. Унда жумладан, айрим фуқаро, ташкилотлардан коммунал хизмат тўловлари ундирилди. Газетада кўрсатилган маҳаллалар кўчаларидаги чиқиндилар бартараф этилди. Ариқ-зовурлар, йўлка-ҳиёбонлар санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилди.

Тозалик, озодагарчиликни таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги зиммасига ҳудудни доимий назорат қилиб туриш вазифаси юклатилди.

Т.ҚОДИРОВ,
Сариосиё тумани ҳокими.

ИНСОН МАНФААТИ — ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Мустақил республикамиз ўзининг ўнинчи йилини собитқадамлик билан босиб ўтмоқда. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган демократик асосда янгиланишнинг устувор йўналишлари амалий тасдиғини топмоқда. Айни дамда тараққиётнинг беш тамойилидан бири сифатида ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти ортиб бормоқда.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА ОЙДИН ЙЎЛИ

Туманда 127 та маиший хизмат корхонаси, 54 та клуб, 2 та кинотеатр, 9 та шифохона, 19 та фельдшер-акушерлик бўлими, 11 та қишлоқ шифокорлик пункти,4 та дорихона мунтазам ишлаб турибди.

Саноатни ривожлантириш, янги корхоналар очиш ва уларга чет эл сармояларини жалб қилиш бўйича 1995 йилда илк қадам қўйилган бўлса, бугунги кунда ушбу масала тўла ҳал этилди. «Нуротамармар» корхонасида инвест лойиҳаси бўйича «Ўзинвест» ташкилоти орқали республика Миллий банки томонидан 1,25 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Шу корхонанинг ўзида эронлик лар билан ҳам қўшма корхона ташкил этилиб, ҳар йили қўшимча 30 минг квадрат метр мармар плиталари ишлаб чиқарилмоқда. Яна бир йирик корхона «Фозғонмармар» Италиянинг «Баррони» мармар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш фирмаси билан қўшма корхона тузиш бўйича шартнома имзолади. Бу корхонага ҳам инвестицион лойиҳа бўйича 1,25 миллион АҚШ доллари берилди. «Автойўлмармар» корхонаси мармар харсанглар ва плита ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилиб, унга чет эллик ҳамкорлар жалб қилинди ҳамда Италиянинг «Пелегрини» компанияси билан ҳамкорликда олмос билан тош кесишнинг энг замонавий технологияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда 9 та ширкат хўжалиги ҳамда 243 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Сув танқислигини бартараф этиш мақсадида томчилаб суғориш усули қўлланилиб, 1,7 километр полиэтилен қувурлар орқали 50 га. майдонни шу усулда суғориш йўлга қўйилди. Аҳолининг ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш мақсадида маҳар мойи ишлаб чиқарадиган 2 та цех қурилиб ишга туширилди.

Маданий меросларимизни тиклаш ниятида «Чашма» меъморий мажмуидан чиққан сув оқадиган ариқнинг 100 метр масофадаги қирғоқларига мармар плиталар ётқизилди. Гумбаз шаклида қадимий услубда 12 та хужра бунёд этилди.

Газлаштириш туманда асосан 1994 йилдан бошланиб ўтган давр мобайнида 137,5 километрга газ қувурлари ётқизилди, 8,7 километр масофага ичимлик сув қувурлари тортилди.

Тиббий хизмат соҳаси ҳам тоборо ривожланиб бормоқда. Туман марказий шифохонасига Финляндиянинг «Медико-Медикал» фирмасининг 1 миллион 200 минг доллар қийматидаги тиббиёт жиҳозлари келтирилди. Яқин орада уни ўрнатиб, ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Умуман Нуротада 607 та хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтказилди, шундан 543 таси кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидир. Шу тариқа 1824 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлди. Хусусий, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан 543 миллион 335 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йил давомида 119 нафар тадбиркор кредит олиш мақсадида мурожаат этган. Шулардан 31 тасига вилоят тижорат банклари ҳисобидан 51 миллион 700 минг сўмлик кредит берилди, «Бизнес-Фонд» ҳисобидан 3 миллион сўмлик кредит ажратилган. Меҳнат бўлими томонидан тадбиркорларга 23 миллион 600 минг сўмлик кредит 87 та янги иш жойи очиш мақсадида тижорат банклари орқали ажратилди.

Муҳими, бу каби хайрли ишлар изчил, режали асосда давом этмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш шароитига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ўктам ҲАКИМОВ,
Нурота туман ҳокими.

Нурота мармарини жаҳон андозалари талабига мос қайта ишлайдиган янги технология ўрнатилгач, иш вақтидан анча ютилди, оғир қўл меҳнатига барҳам берилди. Италиянинг «РЕДРИНИ» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу қўшма корхона фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида 1 миллион 200 минг АҚШ долларилик чет эл сармояси жалб этилди.



ХАТ БЕКОРГА ЁЗИЛМАЙДИ

Жамоа шартномаси ва унинг ижросини таъминлаш ютуқларимизнинг бош омили ҳисобланади. Ўтган йилда мавжуд 10 хўжалик, 14 корхона ва ташкилотларда тузилган шартномаларда кўзда тутилган 1428 банддан 1270 таси бажарилди. Бу борада айниқса, «Нурота», «Қизилча», «Фозғон» ширкат хўжаликлари, касб-ҳунар лицейи, ветеринария станцияси касаба уюшма қўмиталарида кўп ишлар қилинди.

Бизда биронта ариза ва шикоят эътиборсиз қолдирилмаяпти. Чунки, ҳар бир хат ортида инсон борлиги, унда касаба уюшмаларига ишончи, умиди ётганлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Туман машина-трактор саройи механизатори Фарҳод Ботиров касаба уюшма аралашуви билан ишга қайта тикланди. Алишер Навоий номли ширкат хўжалигидан Раҳмат Қаюмов ва бошқа ҳайдовчиларга мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақлари тўла ундириб берилди. «Сув оқава» ташкилотидан меҳнат ногирони Хайрулло Рустамовнинг товон пули Қонунда кўзда тутилган даражада тўланадиган бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мусобақа шартларига ҳам қатъий амал қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида 1650 гектар ерни сифатли шудгор қилган механизаторларга 11 бош қўй мукофотга тақсимланди. Мавсумий ишларда ишлаганларга иссиқ овқат бепул ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимоялаш юзасидан ўтган давр ичида касаба уюшма аъзоларига 200 минг сўмдан ошиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган оилаларга 18 бош қўй ҳадя қилинди. Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларни бепул дарсликлар билан таъминлаш ишлари ҳам белгиланган қатъий режа асосида давом этмоқда.

Исомиддин ҚЎШМУРОДОВ,
Нурота туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

«Халқ таълими тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этишда 2000-2001 йиллар дастлабки босқич сифатида тарихда қолади. Айтиш мумкинки, ўқитувчи ва мураббийларимиз ўзларига берилган имтиёзлардан тўлиқ баҳраманд бўлмоқдалар. Жумладан, ўтган йили 1923 нафар ўқитувчи ва мураббийга 5.334000 сўмлик ёқилғи пули тўланди. Табиий газ, электр қуввати, ичимлик суви сарфлашда белгиланган енгилликлардан фойдаланадилар.

АКА-УКА САТТОРОВЛАР ГЕРМАНИЯДА

Туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси 15 нафар кам таъминланган педагог ходимга 26160 сўмлик бепул кийим-кечак тарқатди. Ўқитувчиларнинг дам олиши масаласига ҳам эътибор кучайтирилди. 38 нафар ўқитувчи сиҳатгоҳларда дам олиб даволанишига 1500000 сўм сарфланди. Ўтган даврда туман мактабларида таълим-тарбия ишлари сезиларли даражада яхшиланди. Битта ихтисослаштирилган, 43 та умумтаълим мактабида 2547 нафар ўқувчи ўнта фан бўйича чуқурлаштирилган дастур асосида таълим олди. 14,27-мактаблар республика, 18,19-зиё масканлари вилоят миқёсида ўқувчилар билимини баҳолаш рейтинг тизими бўйича тажриба-синов маркази вазифасини ўтади. Бу ўринда шуни фахр билан айтиш мумкинки, 24-мактабда ўқиган собиқ ўқувчиларимиз ака-ука Сатторовлар ҳозир «Умид» жамғармаси совриндори сифатида Германиянинг Бонн ва Росток университетларида таълим олишмоқда.

Ўқувчилар ўртасида қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. ИИБ вояга етмаганлар нозирлигида рўйхатда турган 10 нафар ўқувчи мактаб ва оила қучоғига қайтарилди.

Нусрат НАРЗУЛЛАЕВ,
туман Халқ таълими бўлими мудири.

ҒОЛИБ «ТИКО» ОЛДИ

«Нурота» наслчилик ширкат хўжалиги чорвадорлари мустақилликнинг 10 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Ютуқларни мустаҳкамлашда айниқса меҳнат мусобақаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада ўтган йили 30 та янги отар яратилиб, 90 киши иш ўринларига эга бўлди. Олинган соф фойда 86 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда эса яйловлар яна қўй-қўзига тўлди, 43 та янги отар ташкил этилиб, 100 га яқин киши ижтимоий меҳнатга жалб этилди. Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси белгилаган мусобақа шартларига кўра С.Нурхонов, Г.Қайимбеков, Т.Шанаров, Р.Дўсбоев меҳнат баҳсида энг юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун миллион сўмликдан ортиқ видиоаппаратура ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Чўлликлар тўй-маъракалари азал-азалдан курашсиз ўтмаганидек, мусобақалашиб ишлаш ҳам нуроталиклар учун анъанага айланган. Ўтган йили мусобақа якунларига кўра менга 181 бош қўзи мукофот сифатида берилди. Ҳамкасбим 5-ферма чўпони Рўзибой Ҳамроев эса 30 фоиз нархи хўжалик ҳисобидан тўланиши шарти билан «Тико» енгил автомашинаси олди.

Ўтган қисқа давр мобайнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қарийб беш миллион сўмлик маблағ сарфланди. Марказ, фермалардаги маданий-маиший иншоотлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тармоқларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, бултур хўжалик марказидаги мактабни таъмирлаш ишларига 5 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил 34-қозоқ мактабига шу мақсад учун 2.665 минг сўм маблағ сарфланди. 35 нафар бола хўжалик ҳисобидан оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Йўлдош УМАРОВ,
«Нурота» наслчилик ширкат хўжалиги чорвадори.

Ҳазрати Нурота ва унинг қадим йўлларида ҳеч бўлганмисиз. Тарихий манбаларда «нур» сўзи кўпроқ илоҳий маъно касб этса, баъзи манбаларда «нур» мўғулчада «тоғ» маъносини англатади, дейилган. Бу сирли ва сеҳрли маскан, унинг ажойиб чашмаси ҳақида турли ривоятлар тарқалган. Қадим Нурота йўлларидан мўрмалаҳдай бостириб келган Чингизхон босқинчилари муҳим стратегик объектлардан бўлган Нур қалъасига кўз тиккани, афсонавий Темур Малик ва бошқа юрт фидойилари жангу жадал билан шу жойлардан ўтган.

ОММАЛАШАЁТГАН ТАЖРИБА

Ҳозирги йўллар жуда ўзгариб кетган. Қадимда от, туя, эшак карвонлари қатнаган тупроқ йўллар ўрнини тасмадай текис ва равон асфальт йўллар эгаллаган. Қон томирларидек Навоий, Самарқанд, Жиззах вилоятларига туташиб кетган 613 километрли бу йўлларда ҳаёт бир нафас тинмайди. Бу йўллар республика туманлари ичида қатор йиллар давомида энг яхшиларидан, деб топилгани, нуроталик йўлсозлар тажрибаси оммалаштириб келинаётгани бежиз эмас.

Туман автомобил йўллар бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳам ишни қатъий тартиб-интизом асосида ташкил этган. Аввало шартнома шартларига қатъий амал қилинади. 202 нафар касаба уюшма аъзоларининг ойлик маоши ўртача 25 минг сўм. Айниқса, ижтимоий ҳимоя масалаларига муҳим вазифа, деб қаралади. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 70 кишига бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Зарарли ишда ишловчи 38 нафар киши имтиёзлардан тўла баҳраманд бўлди. Ёрдамчи хўжаликдан чиққан дон, сабзавот маҳсулотлари бозор нархидан 50 фоиз арзонлаштириб берилмоқда. Шу пайтгача 14 нафар киши турли сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқариб соғлиғини мустаҳкамлади. «Автойўл» жамоаси туман корхона ва ташкилотлари ўртасида ҳар йили турли спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келмоқда. Йўл қурувчилар югуриш бўйича «Наврўз» марафонида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, бу ерда шахмат-шашка баҳслари мунтазам ўтказиб турилади.

Йўлсозлар ҳам Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишмоқда. Улар 191 километрли йўлни қайта таъмирлаш, салкам 1,5 километрли жойни тўртинчи тоифадан биринчи тоифага ўтказиш ва унинг биринчи навбатини байрам кунигача ишга тушириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ялғоч САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Туман довруғини машҳур қилган табиий эҳсонлардан бири шаҳарнинг жанубида, денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган улкан Чашмадир. Ундан ҳар сонияда 350 куб метр зилол сув сизиб чиқади. Олимларнинг фикрича, чашманинг ёши қирқ минг йилдан ҳам зиёд.

ҚИЗИЛЧАЛИКЛАР учун янги иш жойлари

Қизилчаликлар Арнасойнинг нафақат мўл-кўл балиғи ва сўлим табиатидан баҳраманд бўлишмоқда, шу билан бирга у ернинг ширин-шакар қовун-тарвузидан ҳам татиб кўришмоқда. Бултур синов тариқасида 40 гектар ерда қовун-тарвуз етиштирилган эди. Кўлнинг бироз шўр суви мазали неъмат етилишига таъсир кўрсатмади. Бу йил 15 оилавий пудратчи 70 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирди. Энг муҳими, қарийб 100 киши учун янги иш ўринлари яратилди.

«Излаган имкон топар» деганлари шу бўлса керак-да. Йил охиригача яна 8 километр масофага ариқ қазилиб, 400 гектар янги ерни экинзорга айлантиришга қарор қилинди. Демак, яна мингга яқин киши доимий меҳнатга жалб этилади.

Ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоялангани, иш ҳақлари ўз вақтида тўланаётгани ишлаб чиқаришни юқори даражада ривожлантириш имконини берди. Биргина ўтган йили ялпи даромад 93 миллион сўмга етди. Кейинги беш йил ичида чорва бош сони қарийб икки бараварга, яъни 17 мингдан 33500 бошга ўсди.

Хўжалик маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ғолибларни рағбатлантириб бормоқда. Жумладан, жорий йилда қўзилатишда юқори кўрсаткичга эришган Сонгсизбой Муродинов, Қаҳрамон Ўсаров, Рустам Жуманазаров каби илғор чўпонлар бир миллион сўмлик телевизор, гилам, палос ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ШОҲРУҲ.

Ҳеч ким қаровсиз қолмайди

Ички ишлар бўлими ходимлари туман ҳокимлиги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан яқин алоқа боғлаган ҳолда фаолият юритмоқда. Шу йилнинг олти ойи мобайнида комиссияга 25 та тақдимнома киритилди. Улардан 20 нафар бола ота-оналари томонидан эътиборсиз қолдирилгани оқибатида мактабга бормаётган эди. Ушбу масала комиссиянинг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилиб, улар мактабга қайтарилди. 5 нафар вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги тақдимномалар алоҳида ҳисобга олинди. Денис ва Дамир Аюповларнинг онаси фарзандларини қаровсиз қолдириб кўчага ташлаб қўйгани учун оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш сўралиб иш судга оширилди.

Албатта, кўрилпаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ўтган йилнинг беш ойига нисбатан амалдаги йилнинг шу даври мобайнида бундай ҳол битгага камайди.

Илҳомиддин БОЛИЕВ,
Нурота туман ИИБ ходими, милиция катта лейтенанти.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

САВОЛ: *25 йилдан бери II-гуруҳ ногирони бўлган 47 ёшли қизим — Қурбанова Роҳатни парвариш қилиб келмоқдаман. 6 минг сўм пенсия дори-дармонга етмайди, пенсиядан ташқари ҳеч қаердан ёрдам йўқ. Қонун бўйича II-гуруҳ ногиронларига қандай имтиёзлар бор?*

Раҳима Қиличева,
Шовот тумани,
«Меҳнатобод» жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: Қонун ҳужжатларида II-гуруҳ ногиронлари қуйидаги имтиёзларга эга:

— касалхоналарда, даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиладилар;

— икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмаси билан таъминланадилар;

— тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш ҳуқуқига эга бўладилар;

— ишловчи II-гуруҳ ногиронлари ойлик иш ҳақларидан даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баробари миқдоридан);

— мол-мулк солиғидан озод этилади;

— ер солиғидан озод этиладилар.

Шу билан бирга қизингиз ногирон, сиз ҳам пенсияда бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган маҳалла қўмитасига ёрдам сўраб мурожаат этишингиз керак. Ҳозирги кунда маҳалла қўмиталари айнан қийналган, ортиқча даромад топиш имконияти бўлмаган (ногиронлиги ёки кексалиги сабабли) оилаларга ёрдам пули бермоқда.

САВОЛ: *Биринчи фарзандим икки ёшга тўлмасдан, иккинчи фарзандим учун декрет пули олдим.*

Декрет пули туғруққача 2 ой, туғруқдан кейин 2 ой ҳисобида берилди. Шу 4 ой давомида болам 2 ёшга тўлгунига қадар биринчи болам учун ҳам болалар нафақаси пулини беришди.

Ўша 4 ойлик декрет пулини ҳамда биринчи боламга 2 ёшгача бериладиган болалар нафақасини олганлигим учун эндиликда иккинчи боламга бериладиган нафақа пулидан қайтариб қолаяпти. Шу тўғрими?

Бир вақтнинг ўзида 2 ёшга тўлмаган болам учун бериладиган нафақа ҳамда «декрет» пули олишим мумкинми?

Мукаррам Шерматова,
Каттақўрғон шаҳри.

ЖАВОБ: Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 4 сентябр 489-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган «Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ишлаётган оналарга бола 2 ёшга тўлгунга қадар бериладиган нафақа ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг сўнгги кунидан бошлаб то бола 2 ёшга тўлган ойни ҳам ҳисобга олган ҳолда тўланади. Бола парвариши учун нафақа тўлови қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1. Парвариш қилинаётган бола 2 ёшга тўлганда;

2. Бола тўлиқ давлат таъминотида махсуслаштирилган муассасага (гўдаклар уйига) жойлаштирилганда;

3. Бола вафот этганда;

4. Оила бола билан бирга доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда;

5. Боланинг онаси ишга тушганда (бунда она тўлиқ бўлмаган иш вақти ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишлаган даврда иш ҳақи билан бола парваришлаш учун нафақани тўлиқ олиши мумкин).

Меҳнат қонунчилигига асосланган ходим ўзининг меҳнат фаолияти даврида бир вақтнинг ўзида ходимларга бериладиган таътилларнинг фақат биттасидан фойдаланиши мумкин.

Сиз бола парвариши учун таътилда бўлган даврингизда, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиш учун касаллик варақасини корхонангизга топширгансиз. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилгани боис, бола парвариши учун тўланадиган нафақа миқдоридан юқори бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам корхона ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаган, бола парвариши учун ортиқча тўланган нафақани қайтариб қолаяпти.

Албатта, корхона ўз вақтида яъни, иккинчи фарзандингиз учун ҳомиладорлик ва туғиш таътили тўғрисида касаллик варақаси тақдим этган даврда бола парвариши учун бериладиган нафақани дарҳол ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагунга қадар тўхтатиб туриши керак эди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш керакки, бир вақтнинг ўзида она икки ёшга тўлмаган болани парваришлаш ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларини олиши мумкин эмас.

Газетхонлар илтимосига кўра

Ҳарбий хизмат... Ватан олдидаги йигитлик бурчимни, виждон амрини бажараман деган ҳар қандай ўсмир учун орзу. Бунинг учун аввало саломатлик, етуклик талаб қилинади. Мактабдаги бошланғич ҳарбий таълим дарслари чақириққача бўлган ёшларни тайёрласа, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти эса уларга ҳарбий техника сир-асрорларидан таълим беради. Кейинги пайтларда айнан мана шу ташкилотнинг мудофаа тизими учун кўмаги катта бўлаётганини эътироф этмоқ жоиз.

«ВАТАНПАРВАР» – МАРД ЙИГИТЛАР МАКТАБИ

Ушбу ташкилотга қарашли Денов автомобил мактабида бир неча ўн нафар йигит турли техник мутахассислиги бўйича билим олишади. Уларга 50 нафарга яқин тажрибали мураббий ва техник ходимлар ҳарбий техника сирларини пухта ўргатишмоқда.

— Мактабимизнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги учун техник ходимлар тайёрлаш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир, - дейди Денов автомобил мактаби бошлиғи Эргаш Тулашев. — Таъкидлаш лозимки, ходимларимиз таълимнинг янги дастури асосида иш олиб бормоқдалар.

Автомобил мактабида таҳсил олаётган ёшларнинг қизиқишлари ўзгача. Улар учун барча қулайликлар мавжуд. Ўқув биноси замон талаблари даражасидаги техник воситалар, ҳаракатланувчи нусха ва қисмлар, электрлаштирилган стендлар, асбоб-ускуналар ҳамда кўплаб кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Кутубхона, ётоқхона қошида маънавият ва маърифат хоналари ишлаб турибди. Кутубхонага барча ўқувчи ва ходимлар обуна бўлишган. Уларнинг қисқа давр мобайнида техника сирларини пухта эгаллаётгани кишининг ҳавасини келтиради. Бугунги ёшларимизнинг интилишлари, қизиқишлари, айниқса, Ватан, халқ олдидаги бурчларини тўла англаб етаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

— Асосий эътиборимиз олдимизга қўйилган вазифаларни изчил амалга оширишга қаратилган, - дейди мактаб касаба уюшма раиси Худойберди Норбоев. — Шу мақсадда курсантларимизни жисмонан чиниқтириш учун мунтазам тадбирлар ўтказаяпмиз. Яқинда мустақилликнинг ўн йиллиги байрамига бағишлаб катта спорт мусобақасини ўтказдик. Курсантларимиздан Олим Сойибов, Анвар Ҳамидов, Отабек Эшмирзаевлар совринли ўринларни қўлга киритишди.

Мутахассис техник усталардан Тоштемир Абдураимов, Бобоқул Мирзаев, Рўзимурод Шоймардонов, Абдусамат Холлиевлар ўз шогирдларини истиқлолга хизмат қиладиган ҳақиқий ватанпарварлар қилиб тарбиялаш учун бор куч-маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Хуллас, Денов автомобил мактабида курсантларни Ватан мудофааси учун мукаммал билим олиш ва чинакам соғлом йигитлар бўлиб етишиши учун барча имкониятлар ва қулайликлар мавжуд.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ШИФО ТОПМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

«Янгийўл»га келинг

Зеро, «Янгийўл» санаторийсида даволанишни истаганлар сони тобора кўпайиб бораяпти.

Бундан 42 йил муқаддам бу ерда 1796 метр чуқурликдан шифобахш, маъданли сув манбаи топилган эди. Шу боис шифо маскани қурилди. Лекин у пайтдаги санаторий билан бугунгиси ўртасида жуда катта фарқ бор. Ҳозир сиҳатгоҳ бир вақтнинг ўзида 300 нафар кишига хизмат кўрсата олади. Бошқача айтганда, майдони 11 гектарни ташкил қиладиган масканда даволаниш ва дам олиш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Санаторий Германия, Япония, Англия ва Исроил мамлакатларидан келтирилган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Ультратовуш ва компьютер диагностикаси, электрокардиограмма, эндоскопик асбобларини юқори малакага эга бўлган мутахассислар ишлатадилар.

Сиҳатгоҳда асаб ва юрак, нафас йўли касалликлари, овқат ҳазм қилиш, қон айланиш тизими, гипертоник ҳасталиклар, простатит, оденома, эндокрин, қандли диабетга чалинган беморлар дардларига шифо топадилар.

— Қўшни туманда яшайман, - дейди Х.Сувонов, — илгари кўп санаторийларда бўлганман. Лекин ёнимизда шундай ажойиб шифо маскани борлигига аҳамият бермаган эканман. Шунинг учун бошқаларга ҳам бу ерда даволанишни маслаҳат бераман.

О.СЎФИХОНОВ.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» МУХЛИСЛАРНИ КУТМОҚДА



Ҳадемай, қадимий Самарқандда учинчи бор «Шарқ тароналари» янграйди. Бу гал мазкур мусиқа фестивалида жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган мусиқа усталари «Регистон» майдонида жам бўладилар.

Айни пайтда бу ерда дилкаш тарона байрамига тайёргарлик ишлари қизғин тус олган. Айниқса, шаҳардаги «Сўғдиёна зарблари» доирачилар дастаси иштирокчилари, Андижоннинг «Сумалак» халқ рақс дастаси раққосалари ўзгача завқ-шавқ билан фестивалга тайёргарлик кўришмоқда.

Самарқандлик қурувчилар ҳам мазкур анжуманга ўзларининг алоҳида улушини қўшмоқдалар. Вилоят 5-қурилиш трести, «Пўлатмонтаж», «Бунёдкор» ҳамда «Таъмирчи» қурилиш трестларининг қўли гул усталари фестивал бўлиб ўтадиган майдонларда шижоат билан бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда. Улар ҳозиргача «Регистон» майдонидаги саҳна ва 3500 томошабинга мўлжалланган ўриндиқларни ўрнатишди.

Суратларда: «Регистон» майдонидаги қурилишлардан лавҳалар.

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Гулистонда бўш иш ўринлари ва лавозимлар ярмаркаси ўтказилди. Унда вилоят марказидаги 80 га яқин ташкилот ва корхоналар иштирок этиб, 550 дан ортиқ бўш ўринлар таклиф этилди. Ярмаркада корхоналар, улардаги иш шароити тўғрисидаги маълумотлар, иш ҳақи кўрсатилган стендлар ўрнатилди. Ҳуқуқшунослар томонидан маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

- «Лола» акционерлик жамияти, қурилиш ташкилотлари, тиббий муассасаларда бўш иш ўринлари мавжуд, - дейди шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи А.Бекмуродов. - Ярмаркада мазкур меҳнат жамоаларидаги барча бўш иш ўринлари тўлдирилди. 30 дан ортиқ киши қайта касбий тайёргарлик бўйича махсус курсларга ўқишга юборилди.

БОЛАЛАР «БОҒИ ЭРАМ»ГА КЕЛДИ

Пойтахтдаги сўлим «Боғи эрам» маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб хайрия тадбири ўтказилди. Маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирга тармоқ ходимлари, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари билан таклиф қилинди.

Хайрия тадбири доирасида маданият муассасаларига қарашли оилавий ансамбллар кўрик-танлови ўтказилди. Йиғилганларда айниқса, «Чечаклар», «Нодирабегим» каби оилавий ва фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқиши яхши таассурот қолдирди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари эса музқаймоқ билан сийланди, турли аттракционлардан кун бўйи бепул фойдаланди. Ҳар бир болага ўқув қуроллари совға қилинди.

(ЎзА).

Тўқувчилар мусобақаси

Андижондаги ип-газлама ишлаб чиқарувчи Бобур номли акционерлик жамиятида тўқувчиларнинг касбий танлови ўтказилди. Танлов акционерлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмалари қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.

Дастлабки танлов босқичида ишлаб чиқаришда банд бўлган 2,5 минг нафар тўқувчидан 6 нафар энг яхшиси танлаб олинди. Улар мусобақа кунида иш сменаси давомида ўз маҳоратларини намойиш этишга ҳаракат қилди.

Ҳакамлар ҳайъати биринчи ўрин ва «энг яхши тўқувчи» унвонига 7-цех ишчиси М.Собировани муносиб деб топди. У смена мобайнида 202 метр, яъни нормага нисбатан 130 фоиз дағал бўз тайёрлади. Иккинчи ва учинчи ўринларни М.Толипова ва Н.Сайфитдинова эгаллади. Барча қатнашчилар қимматли совғалар билан тақдирланди.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

2001 йил 7, 14, 28 сентябр кунлари КИМ ОШДИ савдоларини ўтказади

Савдога қуйидагилар қўйилади:

ДХО «Энергомонтаж» корхонасига қарашли:

— КС 3575 русумли автокран, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AD 440, **бошланғич баҳоси 965960 сўм;**

— ГАЗ-52 русумли автомобил, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AD 120, **бошланғич баҳоси 398842 сўм;**

— ГАЗ-52 русумли автомобил, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AD 445, **бошланғич баҳоси 393857 сўм;**

— Кубан русумли автобус, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AD 447, **бошланғич баҳоси 633840 сўм;**

— ГАЗ 24 русумли автомобил, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AB 615, **бошланғич баҳоси 365605 сўм;**

— ДАМАС русумли автомобил, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AB 916, **бошланғич баҳоси 846921 сўм;**

«2-сон Таъмирлаш қурилиш бошқармаси»га қарашли:

— ГАЗ-31029 русумли автомобил, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 78-63 ТНД, **бошланғич баҳоси 650000 сўм;**

«Йўлкўприктаъмирихтисос» трестига қарашли:

— ГАЗ-2411 русумли автомобил, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 18-42 ТНД, **бошланғич баҳоси 351585 сўм;**

Сирғали туман давлат солиқ инспекциясига қарашли:

— ГАЗ-31029 русумли автомобил, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AF 918, **бошланғич баҳоси 880816 сўм;**

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Аския кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га., **бошланғич нархи — 785571 сўм** бўлган ер майдонлари.

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Савдолар соат 10-00да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг Навоий бекати. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73. Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали.

Ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик ва уни ҳимоя қила олайлик

АДОЛАТ ЮЗИГА ПАРДА ТОРТМАНГ

Гулмира «Малик» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ишлар экан, замонавий техникани синчалакдек жисми билан жиловлаётганидан фахрланарди. Лекин ҳаётда қувонч ҳам, ташвиш ҳам ёнма-ён юради, деганлари рост экан. Шодумон кунларнинг бир умрли андуҳга айланишини мурғак қиз қаердан ҳам билсин. Воқеа шундай рўй берди:

Жин машинаси тўсатдан ишламай қолди. Гулмира бу нуқсонни бартараф этишга киришади. Ногоҳон, эҳтиётсизликданми ёки тажрибасизликданми машина ўнг қўлини ямлаб кетади.

Ёш қиз узоқ даволаниш, дард азоби, хуллас, барисига метин иродасини қарши қўйди. Ва ниҳоят, яна қадрдон жамоаси бағрига қайтди. Маълум маънода маъмурият томонидан йўл қўйилган хатолик ўрни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш орқали қопланган дек бўлди. Хаш-паш дегунча шу ҳодиса рўй берганига ҳам беш йилдан ошибди. Бу орада завод раҳбарлари бир неча бор ўзгарди. Хуллас, анча-мунча сувлар оқиб ўтди. Фожеали воқеа ҳам, жабрдийда Гулмира ҳам аста-секин унутила бошлади. Ишлаб чиқаришда ногирон бўлиб қолган қизни ишдан четлатиш пайига тушганлар ҳам бўлди. Қисқаси, турли баҳоналар рўкач қилиниб, унга тўланиб келинаётган нафақа пули ҳам мана, олти ойдирки, тақатақ тўхтади-қолди.

— Заводда котибалик лавозимида ишлаб тургандим, - дейди Г.Қамбарова. - Саломатлигим ёмонлашиб, шифокорлар икки ҳафтага касаллик варақаси очишди. Тузалиб ишга чиқсам, мен ишлаб турган лавозим қисқарганлиги сабабли ишсиз қолибман. Мана, ярим йилдирки, ишсиз, нафақасиз қолдим.

Ушбу масалада Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бош меҳнат давлат техник нозири Бобо Низомов билан суҳбатлашишга тўғри келди. У бу муаммони ҳал қилишда ўз ёрдамини аямаслигини билдирди. Ҳақиқатан ҳам ногиронни қўллаш, унга ёрдам қўлини чўзишда Б.Низомов кўп ҳаракат қилди.

Ўрни келганда пахта тозалаш корхонаси раҳбарлари эътиборини баъзи масалаларга қаратмоқчимиз. Чунончи, ишлаб чиқариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларини ўқитиш, тушунтириш ишлари меъёрида ташкил этилиб, ишчилар бундан тўла огоҳ этилганида кўнгилсиз ҳол юз бермаган бўларди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қиз ҳам бир умр мажруҳга айланиб қолмасди.

Бундан ташқари, маъмурият томонидан Гулмиранинг беш йилдан бери ушалмаётган орзуси — ногирон қўлини протезлаш имкони ҳам туғдириб берилмаган. Бу масала юзасидан Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси мутасаддилари билан боғландик.

— Протезлаш масаласида ҳеч қандай муаммо, монелик йўқ, - дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Аҳмат Жомонқулов. - Г.Қамбарова шу чоққача бизга мурожаат қилмаган. Унга йўлланма берамиз. Тошкентда даволаниб қайтиш имконини яратамиз. Ҳаммаси бепул. Фақатгина завод мутасаддилари унинг ўтган олти ойлик ҳақи-ю, ҳиммат қилиб йўл сарф-харажатларини тўғрилаб берса бас.

Жабрдийда ўксик кўнглига таскин берар эканмиз, Юртбошимизнинг такрор-такрор айтган қуйидаги сўзлари хаёлимиздан ўтди: «Одам очликка, юпунликка, хасталикка, қўйингки, ҳамма нарсага чидаши мумкин. Лекин адолатсизликка чидай олмайди».

Жуда ўринли айтилган гап. Дарвоқе, Гулмира Қамбарова кўзини намлаган ҳам ана шу адолатсизлик эмасмикан?

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Хотира уйғонса гўзалдир

Мақсуд Шайхзода хассос шоир эди. Унинг асарлари чуқур фалсафий мазмунга эга бўлиб, бадиий жиҳатдан ҳам юксакдир. Мен бу улуғ инсондан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлганман. 1948-49 йиллар эди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида таҳсил олардим. Бизга домла ўзбек адабиётидан дарс берарди. У ҳар бир машғулотга ўз вақтида келар, синфимизга киргач, «саломлар» деб, биз билан сўрашар ва ўзига хос камтарлик ҳамда вазминлик билан дарсни бошлар эди. Айниқса, ўзбек адабиёти тарихини, ўтмишда яшаб ижод этган Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби шоирларнинг ҳаёти ва ижодини пухта билар, адабиёт назариясининг моҳир билимдони эди. У кишининг улуғ фазилатларидан яна бири шунда эдики, талабаларга ўта меҳрли ва ғамхўр эди.

МЕҲРИБОН УСТОЗ ЭДИ

Домла бир куни адабиёт назариясидан дарс ўтаётиб, шеър ва унинг тузилиши, туроқ ва қофиялари ҳақида маълумот бергач, талабаларни ҳам машғулотга фаол иштирок эттириш мақсадида бизлардан «китоб» сўзининг қофиядошини айтишимизни сўради. Шунда мен ўрнимдан туриб, «офтоб» дедим. У кўзойнагини олиб, менга ялт этиб қаради-да, «Баракалла. Сендан шоир чиқиши мумкин. Шеър ёзиб турасанми?» — деб сўради. «Машқ қилиб тураман» — дедим.

— Машқларингдан олиб келганмисан? — сўради домла.

— Шеърларимни доим ўзим билан бирга олиб юраман, — деб жавоб бердим.

— Яхши, менга дарсдан кейин учраш. Машқларингни кўриб чиқамиз, деди.

Шу куни машғулотлар тугагач, домлани адабиёт хонасидан топдим-да, машқларимни кўрсатдим. Домла беш-олти варақдан иборат шеърларимни кўздан кечириб, иккитасини ажратиб олди-да, ундаги шеърларга бир мунча тузатишлар киритиб, қайтариб берди. «Бу шеърларингни бирорта газетага беришинг мумкин» — деди. Уларнинг бири баҳор, иккинчиси мактаб ҳақида эди. Бу шеърлар кўп ўтмай, газетада босилиб чиқди. Кейинчалик ҳам домла билан мулоқотда бўлиб турдим. Ундан жуда кўп фойдали маслаҳатлар олдим. У мени турли адабий кечаларга олиб борарди. Ёзувчилар уюшмасида Асқад Мухтор ижодига бағишланган адабий кеча ҳамон эсимда. Кечага домланинг ўзи раислик қилган эди. Шунингдек, Ҳамза театрида қўйишга тайёрланаётган «Мирзо Улуғбек» асарининг репетициясига ҳам бирга борган эдик.

Кейинчалик домла негадир дарсга келмай қолди. Маълум бўлишича, уни қамоққа олган эканлар. Бу орада мен олийгоҳни битириб, мактабда дарс бериб юрдим. Орадан бир неча йил ўтиб, домла оқланиб, озодликка чиққанини эшитдим. 1956 йилнинг октябрида Тошкентда Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Бу қурултойда Мақсуд Шайхзода оташин нутқ сўзлаганлигининг гувоҳи бўлганман.

Мақсуд Шайхзода жаннатий инсон эди, кам гапирар, аммо маънили сўзлар, сўзлари юракларга етиб борарди.

Соип МУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.

«ОБОД ЮРТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Тошкентда шаҳардаги Юнусобод туман ҳокимлиги ташаббуси билан мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб «Обод юртнинг фарзандларимиз» байрам сайли ташкил этилди. Сайлга, асосан, туман ички ишлар бошқармасида рўйхатда турган ҳамда умумий авф туфайли озодликка чиққан ўсмирлар таклиф этилди.

- Инсонга умр бир марта берилади, - дейди Юнусобод туман ҳокимининг ўринбосари Вафо Латипов. - Ҳаёт аталган гўзал неъмат қадрини ҳамма ҳам тўғри тушунганида, орамизда адашиб, эгри кўчаларга кириб кетадиган ёшлар бўлмасди. Фарзандларимизга гўдаклигиданоқ умрнинг ҳар лаҳзасидан тўғри фойдаланишни ўргатишимиз лозим. Билиб-билмай ёмон давраларга қўшилиб қолганлар эса доимо эътиборимизда бўлиши зарур. Токи, юртимизда вояга етаётган ҳар бир йигит-қиз шу Ватанга кераклигини доимо ҳис этиб турсин.

Сайлда тумандаги истеъдодли ёшлар иштирокида концерт ташкил этилди. Иштирокчилар югуриш, тош кўтариш ва арқон тортиш мусобақаларида беллашдилар. Ғолиблар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совринлари билан тақдирланди.

(ЎзА).

Ойижоним,
юборинг қўйиб,
Юргим келди
гулзор оралаб.
Гулдасталар
тузаман суйиб,
Сархилларин
Сизга саралаб.

Саломатлигингиз ўз қўлингизда

(Давоми. Боши ўтган сонда). Соғлом одам одатда ўзгариб турадиган ташқи муҳит ҳароратига яхши мослашади, чунки организм гавда ҳароратини турғун сақлаш — совиш (асосан терлаш ҳисобига) хусусиятига эга. Қизиб кетиш ва ғарақ-ғарақ терлаш натижасида организм сувсизланади, қон қуюқлашади, танада минерал тузлар ва мутаносиблик ўзгариб, кишини иссиқ уради. Бу тўқималарда кислород танқислигига олиб келади.

Ёш болалар, кексалар, тўлароқ кишилар, юрак қон-томир, асаб ва эндокрин касалликлари билан оғриган кишиларнинг қизиб кетишга кўпроқ мойил бўлиши кузатилади.

Бу касалликнинг енгил шаклида киши бўшашиб, боши оғрийди, томир уриши ва нафас олиши тезлашади, териси намиқиб, кўз қорачиқлари кенгайиб, тана ҳарорати одатда нормал бўлади. Ўртача даражада офтоб урганда эса кишининг боши қаттиқ оғрийди, кўнгли айниб қусади, ҳаракатлари нотекислашиб, баъзан хушидан кетади. Тана ҳарорати 39-40 даражага кўтарилиб, терлайди. Касалликнинг оғир шакли эса ўзини билмай қолиш, талвасага тушиб, руҳий қўзғалиш, кўзга йўқ нарсаларнинг кўриниши, турли йўқ товушлар эшитилиши, алаҳлаш билан намоён бўлади. Бунда беморнинг томир уриши минутига 120-140 мартагача, тана ҳарорати 41-42 даражагача кўтарилиши мумкин. Беморга вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, оғир оқибатларга ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.

ШУ ИССИҚ КУНЛАРДА

Ёз даврида касалликка чалинмаслик учун умумий ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш, меҳнат ва ҳордиқнинг ўз вақтида бўлиши, бадан тарбия ва спорт билан шуғулланиш лозим.

Иссиқ иқлим шароитида ёғли овқатни камроқ еган маъқул. Чунки у иштаҳани бўғиб, ёғ таъсирида меъда ширраси ажралиши сусаяди, натижада овқат ҳазм бўлмайди. Иссиқда сув, чой, турли шарбатлар, қовун, тарвуз каби мева ва сабзавотлар билан чанқоқ босиш фойдалидир. Чунки киши организми бундай вақтда дармондориларга катта эҳтиёж сезади.

Офтобда тобланишнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Хусусан, нонушта ёки тушки овқатдан кейин 1-1,5 соат вақт ўтгач, тобланиш мумкин. Бунда бошга енгил соябонли шляпа кийиш ёки рўмол ўраб олиш, кўзга эса рангли кўзойнак тақмоқ лозим.

Офтоб урган ёки иссиқ элитган кишини дарҳол тоза ҳавога олиб чиқиб, соя жойда танасини сиқиб турган кийимлардан ҳоли қилиш, елпиғич ёки чойшаб билан елпиш, баданини совутиш, бошини совуқ сув билан намлаш керак. Кўпроқ суюқлик — туз қўшилган совуқ сув, совуқ чой ва кофе ичириш тавсия этилади. Нафас олишини қўзғатиш учун беморнинг юзи совуқ сувда хўлланган сочиқ ёки дастрўмол билан шапатиланади. Новшадил спирти, кислород ҳидлатиб бадани уқаланади.

Беморни даволашдан кўра касалликнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ эканлигини унутмайлик.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

Донолар бисотидан

ЯХШИДАН ЁМОНЛИК ЧИҚМАС

Дўст ва душман билан муроднинг ҳосил бўлгандагина келишиш мумкин деб ҳар бир жамоа билан яқинлашавермагил. Ҳеч кимга ёмонлик ўргатма, чунки бу хилда ўргатиш ҳам ёмонликнинг биридир. Агар сенинг гуноҳинг бўлмаса-ю, сенга бир киши озор берса, сен унга озор берма, чунки ҳақиқий одам бировга озор бермайди, агар одам бўлсанг, кам озор бўл, халойиққа қилиғингни яхши қил, одамга кирдор керакдирки, ойнага қараган кишининг юзи яхши кўринса, қилиғини ҳам юзи каби ёқимли қилиши лозим, чунки яхшидан ёмонлик чиқиши яхши эмасдир. Буғдойдан арпа кўкартириш мумкин эмас. Агар киши ойнага қараганда юзи ёмон кўринса ҳам, яхшилик қилсин, йўқса, ёмонлик устига ёмонликни кўп қилган бўлади. Икки ёмонни бир ерга қўшиш ниҳоятда ёмондир.

Эй фарзанд, ҳар қанча доно бўлсанг ҳам, ўзингни халқдан донороқ ҳисоблама, чунки сен ўзингни нодон ҳисобласанг, доно бўласан. Ўзини нодон ва ожиз билган киши ҳақиқий донодир. Масалан, Суқрот ҳаким деганки: «Агар бир киши Суқрот ҳаким донишманддир ва жаҳон унинг донишмандлигини билади — деса, мен ожизман ва ҳеч нарса билмайман деб дарҳол жавоб қайтарардим. Лекин мен бу сўзни ҳам айтмаслигим керак, чунки бу сўз ҳам мен томонимдан айтилган улуғ даъводир».

Демак, эй фарзанд, илмингга мағрурланма. Кимки илмига мағрурланса, албатта, ҳамиша пушаймон бўлади.

Ҳар бир ишда маслаҳат қил, маслаҳат билан иш қилишни айб деб ўйлама. Ақлли ва мушфиқ — меҳрибон дўстларга маслаҳат қил...

Ҳар ишда ўз ёрларингга маслаҳат қил... Билки, бир кишининг фикри икки кишининг фикридек бўлмайди, бир кўз икки кўз каби кўролмайди. Табиб касал бўлса, ўз давосига эътимод қилмайди, бошқа бир табиб чақириб, ўшанинг маслаҳати билан даволанади.

«ҚОБУСНОМА»ДАН.

Биласизми?

МЕЗОН — ЎРГИМЧАК ИПИ

Куз фаслида узун-узун бўлиб учиб юрадиган мезон деб аталувчи ипсимон нарса, аслида, ўргимчак ипи. Хўш, ўргимчаклар бу ипларни қандай ишлаб чиқаради?

Ўргимчак қоринчасининг уч томонида бўртма шаклдаги тешикчалар бўлиб, улардан махсус суюқлик чиқади. Бу суюқлик ҳавода қуриб мезонга айланади.

Ўргимчаклар дарахтнинг тепасига ўрмалаб, шу усулда ўз ипларини чиқаради. Сўнгра оёқларини йиғиб, ўша ипга тирмашиб олади. Ипни шамол учирганда, у билан бирга ўргимчакнинг ўзи ҳам учади.

Мезоннинг фақат куз фаслида пайдо бўлишига сабаб шуки, куз бошланишидаги қурғоқчил ва иссиқ пайтларда ўргимчак тухумларидан ёш ўргимчаклар чиқади. Натижада уларнинг ҳаммасига бир жойдаги озиқ етишмай қолади. Шу сабабли ёш ўргимчаклар ўзларидан кўп ип чиқариб, турли томонларга учиб тарқалади.

Мадагаскар оролида яшовчи йирик ўргимчаклардан бир хилининг ипидан ҳатто газлама ҳам тўқиб кўришган. Бироқ, бу ишни саноат миқёсида амалга ошириб бўлмаган.

Ўрта Осиёда 400 хил ўргимчак яшайди. Қорақурт, бий ва турар-жойларда учрайдиган ўргимчаклар шулар жумласига киради. Буларнинг ҳаммаси ўзидан мезон чиқаради.

Акбар АЛИЕВ
тайёрлади.

Фарида Эшқобиловани «Чоршанбе», «Қуйбулло» ва «Темирчи» маҳаллаларида етти ёшдан етмиш ёшгача барча ҳурмат қилади. Сабаби у ўн йилдан бери Шаҳрисабз туман шифохонасининг шу маҳаллалар бўйича меҳрибон шифокори.

Шавкат СУЛТОН
олган сурат.

Футбол

Ишқибоз ён дафтарига: 2001 йил 4 август. Тошкент. «Пахтакор» стадиони. Ўзбекистон кубоги учун финал учрашуви. «Пахтакор» - «Нефтчи» - 2:1. Тўпларни Леонид Кошелев (26- ва 68-дақиқалар) ва Анвар Бердиев (34-дақиқа) киритдилар.

КЎПДАН БЎЁН КУТИЛГАН ЎЙИН

Албатта, биз шарҳимизни муштарийлар ҳукмига ҳавола этгунга қадар Ўзбекистон кубоги учун янги асрнинг илк учрашувидан олган таассуротлари ҳақида футбол мухлислари ўз фикр-мулоҳазалари билан аллақачон ўзаро фикр алмашиб, муайян хулосаларга келиб бўладилар, шубҳасиз. Шу боис, ўйин тафсилотига ортиқча берилмай, кўнгилдан кечган айрим мулоҳазаларнигина-да айтишни маъқул, деб топдик.

Ҳа, бу матч чиндан ҳам ғоят қизиқарли кечди ва нимаси биландир бизга Европа грантлари ўртасидаги баҳсларни ёдга солди. «Милан» билан «Лацио», «Манчестер Юнайтед» билан «Ливерпул», «Реал» билан «Барселона» ... яшил майдонда рўбарў келганларида томошабинлар ҳайқириғидан ўйингоҳ ларзага тушиб, ҳаяжон зўридан кўзлар шундай чақмоқ чақади! «Пахтакор» билан «Нефтчи» клублари ўртасида бўлиб ўтган ўйинда биз ана шу таниш полотнонинг айрим манзараларини шундоққина кафтимизга олиб, яқиндан томоша қилгандек бўлдик.

Ҳеч ким ҳеч кимга паст тушгиси келмади шу куни. Ўйин жиловини қўлига олиб, ўз жамоасини олға бошловчи йўл бошловчилар ҳам топила қолди: «Нефтчи»да бу вазифани С.Ни бўйнига олган бўлса, «Пахтакор»да бу оғир масъулият Л.Кошелевга топширилди. Айтиш жоизки, ҳар икки футболчи ишқибозлар кўз ўнгида янгидан намоён бўлдилар. Айниқса, шу куни Леониднинг юлдузи чарақлаб порлади. Йўқ, у ҳисобни очиб бергани, боз устига, Анвар Бердиев вазиятни тенглаштиргач, яна ўз жамоасини олдинга олиб чиқиб, умумғоналик футболчиларнинг хавфли ҳужумларидан кўз юммаган ҳолда шу куни тўп киритиш учун «Пахтакор» ўйинчилари кўпроқ имкониятга эга бўлганликларини эътироф этиш алабани таъминлашга бекиёс ҳиссасини қўшгани учун ҳам эмас бу мақтовлар. Гап шундаки, ушбу учрашув туфайли биз ўзимиз учун Қосимов типидаги яхши бир ўйинчини кашф этдик. Ва, тўғриси, нафақат «Пахтакор» командаси, балки қандайдир маънода мамлакат терма жамоаси тақдири учун ҳам кўнглимизда бироз таскинлик ҳис қилдик.

Мухлислар эса ўзлари учун яна бир нарсани белгилаб қўйдилар. Яъни, неча йиллардан бери «Пахтакор» илк марта нафақат ҳисобда, балки ўйин қурилишига кўра ҳам «Нефтчи»га нисбатан устунликка эришди. Фардаркор. Баҳодир Сейткомилов, Анвар Солиев ва ҳатто номини тилга олганимиз Леонид Кошелев энг камида яна иккитадан гол муаллифлари бўлишлари мумкин эди.

Футбол ишқибозлари хотирасига ёзилиб қолган яна бир неча ҳолатларга диққатингизни тортамиз. Биз яқинда 17 ёшли Зейтуллаевнинг Италиянинг «Ювентус» клубига таклиф қилинганидан қувониб хабар берган эдик. Куни кеча, хусусан, «Нефтчи» жамоаси таркибида ўз дриблинги ва тезкор хатти-ҳаракатлари, энг муҳими, тўпга чанқоқлиги билан ажралиб турувчи келажаги порлоқ ёш талантлар юзага қалқиб чиқаркин?!

Финал — ғолиб командада фақат бир учрашув натижасига кўра аниқланадиган, шу боиски, имкониятлар бир қадар чекланган баҳс. Шунга қарамай, «Пахтакор» ва «Нефтчи» футболчилари ўзларини майдонда жуда муносиб тутдилар. Атайлаб қилинган бироната қўпполликни кўрмадик. Белгиланган жарима тўплари ва кўрсатилган «сариқ карточка»лар эса мутлақо ўйин асноси юз бериши табиий бўлган кураш оқибати эдиким, ҳеч шубҳасиз бунда ҳакамларнинг хизмати каттадир.. Ҳакамнинг озгина хатосидан жунбушга келиб, ичига сиғмай кетадиган В.Саркисяннинг деярли бутун матч давомида ўзини босиқ тутганлиги ҳам бежиз бўлмаса керак.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса битта: демак, Ўзбекистонда футбол профессионализм даражасига кўтарилмоқда — муросасиз финал матчининг қизғин, айни вақтда ҳеч қандай майда-чуйда гап-сўзларга ўрин қолдирмайдиган тарзда ўтиши, бутун куч-ғайрат ва ҳиссиётлар фақат спорт натижаси учунгина хизмат қилдирилиши шундан далолат бермоқда.

Бу ҳол шунинг учун ҳам муҳимки, олдинда футболчиларимизни Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг ҳал қилувчи иккинчи босқичи кутмоқда. Биз эса Ўзбекистон терма жамоаси нафақат қитъада, балки курраи заминда ҳам катта нуфузга эга командалар қаторидан жой олишини истаймиз. Бунинг учун шарт-шароит ва имкониятлар етарли. Ҳамма гап ундан ўз ўрнида ва оқилона фойдаланишда.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати «Ишонч» — «Ишонч-Доверие» газеталари бош муҳаррири Мирғиёс Қаюмовга акаси

Мирҳидой САЪДИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси бош муҳаррир Мирғиёс Қаюмовга акаси

Мирҳидой САЪДИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6